# ШАРТНОМА №1

Наманган шаҳар "10" январь 2022 йил

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Хизмат кўрсатувчи" деб юритилувчи **«Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси Наманган вилоят бўлими** номидан хизмат кўрсатувчи **Д.Мамаджанов** бир томондан ва амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Буюртмачи" деб юритилувчи Вилоят ҳокимлиги номидан Ж. Коюмов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Хизмат кўрсатувчи" мазкур шартнома бўйича "Буюртмачи"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги хизмат турларини тайёрлаш, ўрнатиш, монтаж қилиш ва жихозлаш (кейинги ўринларда "Хизмат кўрсатиш" деб юритилади)ни ишлари бўйича хизмат кўрсатади. Бажариб бериладиган хизматларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи илова килиб спецификацияда қуйидагича белгиланган.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **199 999 783,05 бир юз тўқсон тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг етти юз саксон уч сўм 5 тийин** суммаси ҚҚС билан ташкил этади.

2.2. "Харидор" олинадиган товарлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30% аванс тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 15 кун муддат ичида товарларни "Харидор"га етказиб беради.

2.4. "Харидор" тақдим этилган хужжатларга асосан 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил хисоб китоб қилади.

2.5. Бажариб берилган хизматлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Хизмат кўрсатувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Хизмат кўрсатувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифатдаги хизматлари бажариб берилишини талаб қилиш;

Бажариб бериладиган хизматлар қийматини хаққонийлиги «Буюртмачи» зиммасида бўлади.

3.2. "Хизмат кўрсатувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Бажариб берилган хизматлари учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Буюртмачидан талаб қилиш;

Хизматларни мазкур шартномага асосан "Буюртмачи" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд хизматларининг тегишли туркумларини бажариб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Хизмат кўрсатувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Хизматларни бажариб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ бажариб берилмаган тақдирда "Хизмат кўрсатувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажариб берилмаган хизматлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Бажариб берилган хизматлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Хизмат кўрсатувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва хизматларини бажариб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажариб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

6.3. Форс-мажор холати, яъни томонларга боглик булмаган холатлар (ёнгин, сув тошқини шу каби енгиб бўлмайдиган кучлар) юз берган тақдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома буюртмачи ва хизмат кўрсатувчи томонидан тасдиқланган ва Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ туталланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг ҳуқуқий кучга эгадир.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

| «Хизмат кўрсатувчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| Манзил: Наманган ш. Б.Машраб 1уй | Манзил: Вилоят ҳокимлиги Истиқлол кўча |
| «Тасвирий ойина» ИУ вилоят бўлими | |
| Тел: (+99869) 227-14-49 | Тел./факс 224-00-10 |
| х/р: 20212000203758653001 | х/в** 100021860144017011503018002 |
| Банк номи: АИТБ Ипотекабанк Наманган ш | ИНН: 200056383 |
| МФО: 00 223 | ОКЭД: 97400 |
| ИНН: 202 510 600 | |
| ОКЭД: 73110 | Ғазна х/в: |
| Код НДС: 314010018838 | Банкнинг номи: Тошкент ш. ХККМ |
| | МФО: 00014 |
| | ғазначилик бўлинмаси СТИРи |
| Раҳбар: Д.Мамаджанов (Ф.И.Ш) (имзо) | Раҳбар Ю. Каюмов (Ф.И.Ш) (имзо) |
| М.Ў. | М.Ў. |

Юридик хизмат

ўртасида тузилган 2022 йил 10» январь даги № 1 - сонли шартномага
1-илова

**Етказиб бериладиган махсулотлар (хизмат)нинг миқдори ва нархини**
**СПЕЦИФИКАЦИЯ**

| № | Хизмат тури | Улчов бирлиги | Сони | Нархи ККС билан | Сумма ККС билан |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Широкоформатная печать на баннере, Изготовления и установка стендов и оформления рекламными материалами | Услуга | 1 | 199 999 783,05 | 199999783,1 |
| | Жами ҚҚС билан | | | | 199 999 783,05 |

**«Хизмат кўрсатувчи»**
**вилоят булими**
Манзил: Наманган ш. Б.Машраб 1 уй
Тел: 69 227-14-49
х/р: 20212000203758653001

Банк номи: АИТБ Ипотекабанк Наманган шахар
МФО: 00 223
ИНН: 202 510 600 ОКЭД: 73110
ККС код: 314010021138

(Ф.И.Ш) (имзо)

М.Ў.

**«Буюртмачи»**
Вилоят хокимлиги
Манзил: Истиклол кўча
Тел./факс
х/в** 100021860144017011503018002
ИНН: 200056383
ОКЭД:
Ғазна х/в:
Банкнинг номи:
МФО: 00014
ғазначилик бўлинмаси СТИРи

Раҳбар Ж. Маматов
(Ф.И.Ш) (имзо)

М.Ў.

Наманган вилоят Ҳокими
адлия бошқармаси

Жамоат бирлашмаси уставини
рўйхатга олинганлиги тўғрисида

# ГУВОҲНОМА

24 март 1998 й.

№ 105

Бирлашманинг номи Узбекистон "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси Наманган вилоят булими

Бирлашманинг тури вилоятга оид
(вилоятга, шаҳарга, ноҳияга оид)

Бирлашманинг раҳбар органи умумий мажлис, бошкарув
(тўлиқ номи, манзилгоҳи)
Наманган шахар, Дустлик шох кучаси -12

Фаолиятининг асосий мақсади халк орасида кургазмали тасвирий тарғибот билан шуғилланиш, фотолавҳалар, шиорлар, плакатлар чикариш ва уларни ахоли гавжум ерларга урнатиш бўйича ишларни мувофиклаштириш ва бошкалардан иборат.

Наманган вилоят Ҳокими
Адлия бошқармаси бошлиғи
вазифасини бажарувчи: Яхёхужаев Г.

---

Управление юстиции
хокима Наманганской области

# СВИДЕТЕЛЬСТВО

о регистрации устава
общественного объединения

24 март 1998 г.

№ 105

Название объединения Наманганское отделение творческого союза "Тасвирий ойина" Республики Узбекистан.

Вид объединения областное
(областное, городское, районное)

Руководящий орган объединения общее собрание, правление
(полное наименование, адрес)
город Наманган, проспект Дустлик - 12

Основные цели деятельности Отделения союза проводит пропагандистскую работу путем организации для населения художественных выставок, фотостендов, руководит работами по изготовлению лозунгов, плакатов и установлению их в густонаселенных местах и др.

Начальник управления юстиции
хокима Наманганской области Яхёхужаев Г.

Наманган, тип., з. 2413, т. 100—1993 г.